

Жаҳонлик Сўз



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 ноябрь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 220 (1222)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишларида фаол иштирок этганликлари учун куйидаги ички ишлар идоралари ходимлари мукофотлансин:

- «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН:**
- ЛЮПОВ Алишер Каримович** (марҳум) — Жиззах вилояти Зарбдор тумани ички ишлар бўлимининг милиционерси
 - АЛИБЕКОВ Муҳаммаджон Ирискулович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг милиция бўлими милиционерси
 - АМИНЖОНОВ Мўмин Тулаганович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили
 - ЗОЙИРОВ Ражаб** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш хизматининг патруль-пост взводи милиционерси
 - ЛИ Виктор** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили
 - МАМАТҚУЛОВ Аҳмаджон Алиевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати взвод сардори
 - МАЪМУРОВ Рустамжон Холмирзаевич** — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими милиционерси
 - ПАҶИЖЕВ Сафар Абдиевич** — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳи катта тезкор вакили
 - РАЖАБОВ Жуманазар Раимович** (марҳум) — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлимининг патруль-пост хизмати милиционерси
 - СРАШОВ Тазабай Юнусович** — Нукус шаҳар ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш гуруҳининг катта инспектори
 - СТАРОДУБОВ Юрий Александрович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси қидирув милицияси хизмати жиноят қидирув бошқармаси бўлими бошлигининг ўринбосари
 - ТЎХТАҚУЛОВ Туреубой Ортиқович** — Тошкент вилояти Бекобод тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг катта тезкор вакили
 - ХУДОЙБЕРДИЕВ Нажмиддин Амринович** — Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари — қидирув милицияси хизмати бошлиғи
 - ЭҒАМБЕРДИЕВ Шухрат Норкулотович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг взвод милиционерси.
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН:**
- АБДУЛЛАЕВ Ғанижон Паттаржонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармасининг биринчи бошқарма бошлиғи ўринбосари
 - АБДУНАБИЕВ Жабборкул Маматмусасович** — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноятчиликни олдини олиш бўлими бошлиғи
 - АНШУРОВ Абдуқосим Мамадалиевич** —

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти тактика ва умумҳарбий кафедрасининг катта ўқитувчиси

БОТИРАЛИЕВ Нўлат Ҳакимович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ўқув маркази бошлиғи

ВАСИЕВ Тоҳиржон Одилович — Наманган шаҳар ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш хизматининг катта инспектори

ЖАМОЛОВ Тожижўжа — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси I-шаҳар милиция бўлими бошлигининг ўринбосари

ИКРАМОВ Уткир Қосимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нақдлет ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари

ИСЛОМОВ Содиқ Қудратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси тергов хизматининг бошлиғи

ИРГАШЕВ Рустам Баротович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий назорат бўлими оператив бўлими бошлигининг ёрдамчиси

КАРИМОВ Абдухалил Набиевич — Жиззах вилояти Зомин тумани Ички ишлар бўлими милиция участка вакили

МАШАРИБОВ Рустам Аминович — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг тезкор вакили

МАВЛОНОВ Арабий — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлигининг ўринбосари

МАҲМУДОВ Мирасқар Ҳайдарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгиндан сақлаш олий техника мактаби умуммуҳандислик фанлари кафедраси доценти

НИЁЗМЕТОВ Аҳмаджон Бобонович — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг катта тезкор вакили

ТЕМИРОВ Турдубой Бўриевич — Сурхондарё вилояти Денов шаҳар ички ишлар бўлимининг милиция катта участка вакили

ТУРСУНМУҲАМЕДОВ Раҳмонали Мухторович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг милиция участка катта инспектори

УСМОНОВ Шавкат Низомович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси


ХАЙРИЕВ Йўлдош Шарипович — Бухоро вилояти Ғиждунов тумани ички ишлар бўлимининг милиция участка вакили

ХАЙДАРОВ Вағиз Улфатович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

ЯКУБОВ Александр Санжарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 ноябрь.



Жиззах шаҳридаги устки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Зилола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида спорт кийимлари, шарф, жемпер сингари 110 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. 1200 илчи меҳнат қиладиган ушбу ички корхонага зарур бўлган хомашё — акрил кимёвий ишлари илари бошқа давлатлардан келтирилади.

Ҳиссадорлик жамияти қошида бу турдаги илчи тайёрлайдиган кичик фабрика ишга тушгач корхона олдидоги қийинчиликлар барҳам топди. Илчи фабрикада ишлаб чиқарилаётган акрил ишлари нафақат «Зилола»га, балки четга чиқаришга ҳам етади.

СУРАТДА: ил урочи Д. Санокуллова.

Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) тасвирга олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. С. РУЗИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИНING РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Собиржон Собитович Рузиев Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасининг президенти этиб сайланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 10 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. МАХСИТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ҚЎМИТАСИНING РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Махситов Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 10 ноябрь.

Ислохот одимлари

БИР ҚИШЛОҚДА ШЗДАН ЗИЁД КИЧИК КОРХОНА ИШЛАЯПТИ

Янгиариқ туманидаги «1 Май» жамоа хўжалигига қарашли Тоғон қишлоғида бугунги кунда юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётти.

Жумлядан, Кенжа Рузиматов бошлиқ «Дилшод» кичик корхонасида 15 киши меҳнат қилаётти. Дастлаб бу ерда қишлоқ меҳнатқашлари учун кийим-кечаклар тикланган бўлса, эндиликда бежирим гилам ва палослар тўқилган. Раҳима Ҳасанова, Кумри Шарипова, Умида Удасева каби чеварларнинг меҳнатларидан, айниқса, қишлоқ буюртмачилари миннатдор.

Шоназар Йўлдошев раҳбарлик қилаётган кичик корхонанинг иш бошлаганига эса атиги 4-5 ойча бўлса-да, меҳнат аҳли тоғонликларнинг оғирини енгил қилаётти. Корхона қошидаги хусусий дўкондан ҳамма аёллар халатлари, қўйлақлар, пахталик нимчалар ва бошқа турдаги кийим-кечакларни арзон нархларда ҳарид қилиш мумкин.

— Хусусий корхоналар унинг соҳиблари учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам бирдай манфаатли бўлишини ҳаётининг ўзи исботлайпти, — дейди қишлоқ фуқаролар йигини кенгаши раиси Отабек Ҳайитов. — Шу босиш утган тўққиз ўн ой мобайнида қишлоқда еттига кичик корхона ташкил этилиб, иккита хусусий дўкон очилди. Натияжада қишлоқ аҳли у-бу ҳарид қилиш ва маиший хизмат эҳтиёжлари учун туман маркази ёки шаҳарга қатнаш даҳмасидан халос бўлди.

О. РАҲАБОВ.

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР РАВНАҚИ

Хабар қилинганидек, Покистон Ислам Республикасининг Бош вазири Беназир Бхутто бугун расмий-амалий ташриф билан мамлакатимизга келади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Покистон халқи билан мустақам ва ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Мозийдан маълумки, улуг шоир ва саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур бунёд этган салтанат уч аср давомида икки халқ ўртасидаги алоқаларни мустақамлаган эди. Бугунги кунда эса, ана шу азалий дўстлик муносабатлари кундан кунга камол топмоқда. Шунинг алоҳида эътирофи эиш жоизки, Покистон Ислам Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар эса 1992 йилнинг май ойида ўрнатилган. 1992 йилнинг июнь ойида Покистон Бош вазирининг мамлакатимизга, август ойида эса Ўзбекистон Президентининг Покистонга ташрифи катта тарихий воқеа бўлди. Хабарингиз бор, шу йилнинг май ойида Покистон Бош вазири Беназир Бхутто мамлакатимизга сафар қилган эди. Ушбу олий даражадаги учрашувлар чоғида давлатларо муносабатларга асос бўлиб хизмат қилувчи савдо-иқтисодий, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида муҳим ҳужжатлар имзоланганлиги.

Маданий алоқаларимиз ўзаро муносабатларимизнинг муҳим жабҳаларидан биридир. Сўнгги вақтларда бу соҳада ҳам талай амалий ишлар қилинмоқда. Покистон халқи юртимиз тарихи ва маданиятини, қолаверса, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Боҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Навоий ва Бобурнинг муқаллас меросини яхши билади. Ўз навбатида ўзбек халқи ҳам Покистон халқи тарихига катта қизиқиш билан қарайди. Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Файз Аҳмад Файз мероси бизлар учун бебаҳо хазинадир.

Кўриниб турибдики, бу каби талбирлар тарихи, тақдири ва анъаналари бир-бирига ўхшаш бўлган икки дўст халқ ҳамкорлик алоқаларининг келажаги нечоғлик норлоқ эканлигидан далolat бермоқда.

Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттонинг юртимизга қилаётган ушбу ташрифи дили-дилига туташ ўзбек ва Покистон халқлари ҳамкорлик алоқаларининг янада камол топишига хизмат қилади.

Фурқат ЧОРИ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 10 ноябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий валютада операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 19,64 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 34,70 сум даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 11 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

| | |
|-------------------------------|------------------------------|
| 1 Австралия доллари 25,60 | 10 Португалия эскудооси 2,34 |
| 1 Австралия шиллинги 3,48 | 1 Сингапур доллари 24,58 |
| 1 Англия фунт стерлинги 54,77 | 1000 Туркия лираси 0,87 |
| 1 АКШ доллари 34,70 | 1 Финляндия марккиси 6,16 |
| 1 Голландия гульдени 21,94 | 1 Франция франки 7,13 |
| 10 Греция драхми 1,49 | 1 Швеция крониси 5,22 |
| 1 Дания крониси 6,33 | 1 Швейцария франки 30,62 |
| 1 АКШ доллари 34,70 | 1 ЭКУ 44,98 |
| 1 Миср фунти 10,22 | 10 Япония иенаси 3,45 |
| 1 Ирландия фунти 55,99 | 1000 Россия рубли 7,67 |
| 1 Исландия крониси 0,54 | 1 Эстония крониси 3,07 |
| 10 Испания песети 2,85 | 1000 Украина карбованци 0,20 |
| 100 Италия лираси 2,18 | 1 Латвия лати 64,74 |
| 1 Канада доллари 25,65 | 1 Литва лити 6,68 |
| 1 қувват динори 115,65 | 1 Молдова леи 0,55 |
| 100 Ливан фунти 2,17 | 1 Козогистон тенгеси 0,55 |
| 1 Германия марккиси 24,67 | 1 Кувейт динари 7,63 |
| 1 Норвегия крониси 5,67 | 1000 Беларусь рубли 3,02 |

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий равишда ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийини олган.

Валюталик банклар эркин муомаладаги нақд валютани айир-бирлаш шубҳаларини орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини таъбиб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда нисбатан ҳақи олганидир.

ХАМДУСТЛИК ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПОЙТАХТЛАРИДА 1995 ЙИЛ 30 ОКТЯБРДА УЮШГАН САВДО ТАРМОҚЛАРИДА АЙРИМ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИНГ КАЙД ЭТИЛГАН НАРХЛАРИ

(Килограмми, литри, ўн донаси учун сум ҳисобида)
Олиқ-овдат маҳсулотлари

| | Тошкент | Москва | Минск | Алматы | Бишкек | Душанбе |
|--------------------|---------|--------|-------|--------|--------|---------|
| Мол гушти | 40 | 106 | 91 | 67 | 40 | 90 |
| Қайнатма қолбаса | 84 | 179 | 77 | 148 | 101 | 144 |
| Сариёғ | 90 | 159 | 97 | 128 | 112 | 205 |
| Ўсимлик ёғи | 40 | 83 | 77 | 76 | 66 | 98 |
| Сут | 9 | 29 | 8 | 16 | 9 | 9 |
| Тухум | 38 | 35 | 23 | 33 | 46 | 123 |
| Шакар | 26 | 39 | 29 | 31 | 32 | 103 |
| Чой | 85 | — | — | 167 | 145 | 164 |
| Олий нав бўлди нон | 15 | 40 | 15 | 22 | 15* | — |
| Гуруч | 22 | — | — | 22 | 25 | 90 |
| Каргонча | 11 | 14 | 7 | 11 | 5 | 16 |
| Пиез | 4 | 22 | 17 | 9 | 5 | 6 |
| Карам | 4 | 17 | 8 | 10 | 5 | 6 |
| Сабзи | 5 | 21 | 10 | 11 | 5 | 7 |
| Олма | 10 | 44 | 17 | 13 | 9 | 12 |

* — 1-нав

Бирортаим танқид патижасиз қолмайди

«МАКТУБЛАР ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ»

(«Халқ сўзи» 1995 йил, 13 июль)

Ушбу сарлавҳали мақолада айрим муаммолар қаломларида республикамиз мактабларида жисмоний тарбия дарс соатларининг камлиги, шунга қармай, дарс сифати пастлиги танқид қилинган. Ушбу масалага иттиҳодан ўзбекистон халқ таълими вазири мўъини Х. Маъсумовдан жавоб келди. Унда хусусан шундай дейилади:

«Дарҳақиқат, мақолада Республикада хизмат кўрсатган тренер Азизжон Шокиржонов ва доцент Клар Шокиржоновлар доллар мавзусини урмага қўйишган. Маълумки, Халқ таълими вазирлигининг 1989 йил 30 январдаги буйруғига қўриб билингич сифатларда жисмоний тарбия дарслари ҳафтаига 3 соат қилиб белгиланган.

Мустақил Республикамизда ёш авлоднинг соғлом, биркамол урешини таъминлаш борасида «Соғлом авлод учун» қўмитаси режа тadbирларини ҳам вазирлик ишлаб чиқиб, жорий этиш учун таълим муассасаларига 1994 йил 11 февралда юборган эди. Шунга мувофиқ ҳолда Республика Халқ таълими вазирлиги ушунини 1995 йил 18 майда чиқарган ҳужжатига асосан мактаб ихтиёридаги дарс соатларидан соғломлаштириш тар-

биясига яна 2 соат ажратди.

Шундай қилиб, умумтаълим мактаблари учун ҳафталик жисмоний тарбия дарслари соати 4 соат қилиб белгиланганини ахборот учун сизга билдиришни лозим топдик.

Мақолада баён этилган масаланинг иккинчи томонида келган, ҳақиқатдан ҳам мактабларда жисмоний тарбия ўқитувчилари етишмайди. Бу масалани ҳал қилиш учун 1996 йилдан бошлаб педагогика билим юр்தларида жисмоний тарбия иккинчи мутахассислик қилиб киритилган бўлди.

Расмий ташир арасида

Германия Федератив Республикаси Европанинг марказида жойлашган ийрик давлатлардан биридир. Мамлакат шимолида Дания, ғарбда Голландия, Бельгия, Люксембург, Франция, жанубда Швейцария ва Австрия, шарқда эса Чехия Республикаси ҳамда Польша билан chegarаландир. Бундай жузғуфий ўрин 1990 йил Федератив Германия ва собиқ ГДРнинг бирлашмиши туфайли вужудга келган эди.

бугунги кундаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида гапирилган бўлса, энг аввало шунини

лари ўрнатилган «Кемикал банк АГ» банки юртимизнинг нефть ва газ тармоқлари лойиҳаларига жиддий қизиқиш билдириди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи ҳам юксалиб бормоқда. 1993 йилда ўшбу кўрсаткич 76 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Унда Ўзбекистоннинг Германияга экспорти 56 миллион долларга етди.

Бир вақтлар немис автомобил қироли бўлган киши ўзи ишлаб чиқарган машиналарни сеvimли қизи Мерседес номи билан атаган эди. «Мерседес» хоним тарих тақозоси билан ўзбек юртида ҳам дунёга келадиган бўлди.

Мамлакатимизда барпо этилган «Мерседес-Бенц» автомобил заводи қойдворига 1993 йилнинг 19 июлида Ўзбекистон Президенти тамал тошини қўйган эди. Хозир «Ўзбекистон-Германия» қўшма корхонасида юк машиналарини тайёрлашда ўз-

сатчилари, ишбилармонлари, фан ва маданият арбобларини бирлаштирган мазкур жамият Ўзбекистонга амалий ёрдам кўрсатаётир. Шу ўринда Конрад Аленауэр жамгармасининг юртимиздаги фаолиятини ҳам таъкиллаш лозим. Ушбу жамгарма ташкил этаётган семинарлар, конференциялар, бошқарув ва фан соҳасида хизмат қиладиган мутахассислар учун фойдали бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларини барқарорлаштиришга Германия Федерал Президенти Роман Герцогнинг шу йил апрель ойидаги юртимизга қилган сафари ҳам муҳим ўрин тутди. Ушбу таширимиқолада мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланган эди.

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 14-16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Федерал Президент Роман Герцогнинг таклифи биноан Германияга расмий ташир буюради. Бу ташир Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳар томон-



ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

айтиш керакки, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар жуда узоқ тарихга эга. Негаки, шойин ва қорақўллар билан шухрат қозонган ўзбек савдогарларининг савдо уйлари инкилобдан аввал Берлин ва Лейпцигга мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Президенти Исом Каримовнинг 1993 йилнинг апрел ойидаги Германияга расмий сафари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихида янги саҳифалар очиб берди. Ана шу ташир чоғида Ўзбекистон — Германия муносабатларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Музокаралар якунига мувофиқ, бир қанча икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.



бекитилдиқларга немис мутахассислари ёрдам бермоқда.

1994 йилнинг апрель ойида Бонн шаҳрида «Германия-Ўзбекистон» жамиятининг таъсис этилгани икки дуст мамлакат жамоатчилиги ўртасида алоқаларини мустақамлашишида муҳим омил бўлмоқда. Ўз сафарларида сиё-

Фуркат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: Германиядан лавҳалар.



ЯНА БОШ ТОРТИН

БМТнинг Хавфсизлик кенгаши Ироққа қарши қўлланаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишдан 28-мартга бош тортиди.

Маълумки, Ироққа қўлланаётган жазо чораларини муҳокама этиш учун ҳар икки ойда БМТ қошида маслаҳат кенгаши бўлиб ўтади. Буюк Британиянинг БМТдаги вакили Жон Уэстон навбатдаги маслаҳат кенгашидан кейин журналистларга шу ҳақда хабар берди.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ ЙўЛИДА

Сурия пойтахти Дамасқда мазкур мамлакат Президентни Ҳафиз Асад Буюк Британия ташқи ишлар вазири Малькольм Рифкинд билан учрашди.

Учрашувда Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. «Сурия минтақада тезроқ тинчлик ўрнатилиши тарафдори», деди М. Рифкинд ушбу учрашувдан кейин журналистларга.

ҚАРОҚЧИ ҚўГА ОЛМАН

Грециянинг «Олимпик эйруэйз» авиакомпаниясига қарашли самолётни олиб қочишга урганган Эфиопия фуқароси Афина шаҳри полициячиларига таслим бўлди.

У Бангкок-Афина йўналиши бўйлаб парвоз қиладиган «Бонинг-747» самолётида стюардессани гаровга олган эди.

ПОМЗОДИНИ КўРСАТМАЙДИГАН БўЛАД

АҚШнинг истефодаги генерали Колин Пауэлл 1996 йил бўйлаб ўтайдиган президент сайловиди ўзининг номзодини кўрсатмаслигини эълон қилди.

Президентлик лавозимига асосий даъвогарлардан бири дея ҳисобланаётган Колин Пауэлл республика партиясининг оддий аъзоси сифатида фаолият кўрсатишини таъкиллади.

ЁИРК ШИҚЛАР ОРТИДА

Мексиканинг Керетаро шаҳрида Гауемаланинг ҳукумат делегацияси билан сўл исёнчилар ўртасидаги музокаралик навбатдаги бошқичи бошланди.

БМТ вакили воситачилигида ёпиқ эшиқлар ортида ўтаётган музокараларда мамлакатнинг молиявий сиёсати билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда, дейилади шу мавзудаги хабарда.

Мамлакатнинг умумий ер майдони — 357 минг квадрат километри ташкил этади. Аҳолиси — 79 миллион киши. Бу жиҳатдан эса Германия Европада Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатнинг амалдаги Конституцияси эса 1949 йилнинг 23 майда қабул қилинган. Германия 16 мустақил федерал ҳудуддан ташкил топган. Ушбу федерал ҳудудларнинг барчаси ўз конституциялари, герби ва парламентига эга.

Давлат бошлиғи — Федерал Президент ҳисобланади. Ҳозирда ушбу юксак лавозимда Роман Герцог фаолият кўрсатмоқда.

Айни вақтда Германия дунёдаги йирик индустриал давлатлардан ҳисобланади. Мамлакат ўз иқтисодистининг умумий ҳамжи жиҳатдан

шинни ва экспорт ҳамжини ривожлантириш билангина мамлакат иқтисодистини жадал юксалтириш мумкин. Шу боис ҳам, мамлакат ҳукумати жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга катта эътибор бермоқда. Биргина, 1992 йилда Германия экспортининг умумий ҳамжи 670 миллиард немис маркасига тенг бўлди. Мамлакатнинг ўзаро ташқи иқтисодий алоқаларида Франция, Италия, Англия, Бельгия ва АҚШ муҳим ўрин тутди.

Хозир Германия ўз ташқи сиёсатини тинч-тотув яраш ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида амалга ошириб, халқаро ҳамжамиятда обрў-эътибор топмоқда.

Президентимиз Исом Каримов БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош ассамблеянинг махсус тананали йиғилишида сўзлаган нутқида ушбу давлатнинг жаҳон сиёсатидаги ўрнини муносиб баҳолади. Уни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида киратиш лозимлигини айтиди. Бу тақдир жаҳон афкор омасида катта қизиқиш уйғотди. Агар икки мамлакатнинг



жаҳонда учинчи ўринда туради. Германияда автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика саноати ва металлургия ривож топган. Кейинги йилларда мамлакатнинг жаҳон бозоридида мавқеи ҳам мустақамлашиб бормоқда. Германияда эришилган ютуқлар шунини кўрсатадики, саноат ишлаб чиқари-

КАРТОШКА инсон учун иккинчи нон ҳисобланади. Унинг таркибида организм учун зарур бўлган қатор витаминлар мавжуд. Деҳқончасига айтилганда, дунёдаги бирор халқнинг қозони картошқасиз қайнамайд.

Лектин бугун шу номимизни ўйлаб харид қиладиган бўлиб қолдик. Чунки — килоси 8-12 сўм.

Картошканинг бозори нега бунча чакон бўлиб қолди? Наҳотки энди картошқа ҳам «дефицит»га айланса? Бунинг боиси нима? Тегшли ташкилот ва идоралар эшигига бош суқиб, илмий муассасалардаги олимлар ва мутахассислар суҳбатига қулоқ тутиб англадикки, ҳали картошқа етиштириш борасида муаммоларимиз кўп экан.

Муаммолардан бири маҳаллий навинг камлиги. Бунинг учун қим айдоёр? Олимларми? Мутахассисларми? Еки деҳқонларми?

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, шуқуқим, эл юрт маъмурчилиги йўлидаги сайёи-ҳаракатлар туфайли қимматроқ бўлса-да, бозорларда картошқа сероб. Хуллас, меҳнатдан эримай ҳаракат қиладиганларнинг ризқи бутун.

Хуллас, бугун аҳоли эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Польша, Голландия ва Хитой каби давлатлардан мавоза усулида картошқа келтириляпти. Аммо, кейинги икки-уч йил ичида уни ўзимиз етиштиришимиз лозим. Қолаверса, хорижий давлатларга сотиш даражасига эришмоғимиз керак бўлади. Ҳўш, бизда бунинг учун имконият борми?

— Мамлакатимиз аҳолисини картошқага бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъмин этиш учун йилига бир миллион тонна картошқа жамғариш лозим, — дейди Республика Кишлоқ ҳўжалик вазириликнинг мева-сабзавот етиштиришда илгор технологиядан фойдаланиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳимроқул ХОЛИҚОВ. — Афсуски, бугунги кўнунда, бизда бор-йўғи 520-530 минг тонна атрофида картошқа жамғариляпти. Шу боис аҳоли жон бошига 45 килодан картошқа истеъмол қилиниши лозим бўлган ҳолда, бизда кўрсаткич 26 кило, колос. Нега? Чунки, ўзимизда етарли миқдорда ҳосил олиш имкониятлари мавжуд бўла туриб, бунга эришилмаяпти. Ваҳоланки, еримиз сервосил, иқлим шароитимиз ҳам картошқадан икки-уч маротаба ҳосил олишга имкон беради.

— Унда, муаммоларнинг илдиэи кверда?

— Ҳамма гап ана шунда. Муаммонинг келиб чиқиши, пахта эга ҳоқимлиги йиллигидаги борми тақалди. Уша пайтларда кишлоқ ҳўжалигида асосий эътибор шу экинга қаратилди. Сабзавот ва полиз макс-сўнларига етиштириш, богдорчиликни ривожлантириш, галла ва бошқил экинлар ҳосилдорлигини ошириш, уларнинг ниви ҳақида жуда ҳам бош қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун мамлакатимизда афсуски, бирорта ҳам сервосил маҳаллий картошқа ниви йўқ.

1992 йили Голландиядаги «АЕС» фирмаси воситачилигида шу мамлакатдан сервосил картошқа ниви келтирилди. Бу ишга мутахассис билан айрим кишиларнинг ёпарволлиги туфайли, халқнинг «минг-лаб сўм ризқи эвазига келтирилган ушбу уруғлик Санкт-Петербург ширқидан елик вагонларга ортилиб, икўл оинида Кўзонистон чўллари орқали то ман-аилга етказиб келингунича 40-45 даража

сосслашган ҳўжаликларда, жумладан, Тошкент тумани, Зангиота, Қитрай, Бўстонлик, Бахмал, Тойлоқ, Самарқанд туманлари ва Ферғона водийсидаги қатор ҳўжаликларда маҳаллий нав бўлмаганлигидан, собиқ Иттифок замоналарида келтирилган «Детская сельская», «Белорусская ранняя», «Уральская ранняя» шунингдек, Голландия, Хитой ва Польшадан келтирилган навлар экилад келинаёпти. Лекин, олимларимиз иршид этаётган бу номлардан деҳқонларимиз хабардорми? Улар — тўрироғи кишлоқ ҳўжалигимизнинг асосий тармоқларидан бири саналмиш картошқачиликка ихтисослашган ҳўжаликлардаги деҳқон-фермерлар, айтиш мумкинки, ҳатто-

— Демак, биз ўша йилларда матбуотда меъзрига етказиб мактагач Голландия картошқаларига ҳали ишонч йўқ экан-да? — Нега энди. Бундай тўхтама қелиш нотўғри. Голландияда сервосил, айнан бизнинг иқлим шароитимизга мослашадиган навлар жуда кўп. Масалан, «Кордина», «Диамант», «Фреско», «Агата», «Конкорде», «Марфона», «Романо», «Премьера», «Рези», «Имполла» ва бошқа навлардан сервосил уруғлик ҳам тайёрлаш мумкин.

Айни кўнунларда вазиригимиз Голландиянинг «Себеко» ва «Агрико» фирмалари билан ҳамкорликда янги навлар етиштиришга ихтисослашган қўшма корхона очиб ҳақида ўзаро келишувларга эришяёпти. Шартномага кўра, 1996 йилдан бошлаб янги навлар яратиш, жойларда Голландия технологияси асосида иш юритишга ўтилади. 1997 йилдан бошлаб ҳўжаликларга биринчи репродукция уруғлик тарқатилади. Бунчалик ишонч билан гапиримизга асос бор, чунки, Голландиядан келтирилётган ушбу навлар — 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг иқлим шароитида тажрибадан ўтказилган, яхши натижа берган, бизда нега шу пайтгача, янги маҳаллий навлар яратилмади? Еки бу борада етарли салохиятга эга бўлган олимларимиз йўқми? Ундай десак, республикада нуфузли бўлган ўнлаб илмий ҳодимларга эга. Сабзавот-полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти ҳозирча фаолият кўрсатиб турибди. Айрим олимлар картошқачилик муаммолари хусусида «Халқ сўзи»га мақолалар ҳам тайёрлаб келишяпти. Афсуски, бу мақолаларда янги нав яратиш муаммолари неғдир атрофида таҳлил этилмади. Еки бу муаммо ҳозирча ушбу институти олимлари назаридан четдами?

Тўғри, 80-йилларда Самарқандлик олимлар «Зарафшон» навини яратишганди. Лекин, у ҳам, пахтачиликка зўр берилиши оқибатида ўзлигини кўрсатолмай, эсдан чиқарилди. Яна бир гап тўғри, Сабзавот-полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти олимлари ҳам янги нав яратишга. У — Тўйимли ва «Акраб» деб аталади. Лекин буларни ҳозирча ҳўжаликларга тавсия этишга неғдир шохшилшмаяпти. Мутахассисларнинг тажрибасида, у замин оқламайди эмиш. Ҳўш унда, деҳқонларимиз шу пайтгача қанча картошқа экишган экин? Жавобини ҳам ўзимиз айтиб қўн қоламиз: ихти-

бўғдойнинг ҳам навини суриштиришавермайд.

— Бизда ҳали ҳам эскидан қолган касаллик ҳўқимрон. Жойларда нав тан-

ди. Кечки картошқа учун эг хам муудат 15-20 июлда экинни тўғаллаш. Орадан 15 кўн ўтиб чилла чиқади ва харорат ўз-ўзидан пасая бориб октябрь ойининг биринчи ўн кўнлигида ҳосилни йиғиб олиш мумкин бўлади. Картошқанинг яна бир ўзига хос хусусияти — сувли ерларда яхши ҳосил беради. Айниқса, экин гулга киргач, жуда кўп сув талаб қилади.

Картошқачилик билан шўғулланувчи мутахассис ва олимларимизнинг яна бир эътироси деҳқонларимиз эътиборини картошқа экилган майдонларни бегона ўтдан тозалаш, минерал ўғитлар билан озиклан-тириш масаласига жиддийроқ жалб этиш-

дир. Илмий қўлланмаларга кўра, картошқа ривожланиш жараёнида икки хил усулда парвариш қилинади. Биринчиси, фитосанитария усули бўлиб, бунда эгатама-эгат юрилиб, касалликка чалинган палаклар кўлда юлиб чиқилади. Иккинчиси, навдорликни таъминловчи тозалаш усули бўлиб, ташқи кўринишдан соғлом, аммо бошқа навага тегишли бўлган палаклар юлинад.

Картошқани озиклантириш масаласига келсак, бизда кўпича у ҳр-хали кириш олдидан азот ва фосфорга тўйинтирилади, аслида эса, уруғ пуштага экилаётганда махсус агрегатлар билан калий, фосфор ва азот омухта қилиб солингани самаралироқ экан. Бундай усулда тупроққа солинган ўғитлар 40-45 кўндан кейин экинга таъсир этади.

ГОЛЛАНДИЯ картошқаси ва Голландия технологияси.

Бундан тўғрда картошқачилик бўйича 16 минг гектар ерга картошқа экилди. 1996 йилда эса 27 минг гектар ерда картошқа етиштириш режасида тутилипти. Лекин бизга ҳозир кўздагагиси эмас, хирмондагиси хирмон.

Голландларнинг бепойвон фермер ҳўжаликларидида киши қўзини кувонтирадиган, дурқун, тўйимли картошқа етиштиришда кўл келаятган «Краммер-Супер-Ф» экин агрегати, «Даминатор» роторли баронаси, «Антарис — 100», «Сейм» русулли қатор ораллига ишлов берувчи тракторлар, «Амас» роторли культиватори, картошқа палагини кесишга мўлжалланган «Алекс» агрегати каби иш унуми юқори бўлган техникалардан тўлиқ фойдаланмай туриб, ҳеч бўлмаганда, ҳўжаликлар ўша агрегатлар даражасида ишлаб олувчи техникага эга бўлмай туриб, картошқачилик соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш мушкул қўринад.

Тўғри, республикамиздаги Голландия моделига ўтилган ҳўжаликларда юқориди номлари зикр этилган техникалар мавжуд. Лекин валюта эвазига келтирилган бу матбуотлардан имконият даражасида додаланиляптими? Экин-ичинд ёгин-сочили кўнлар бўлган палаклар юлинад.

Тўғри, республикамиздаги Голландия моделига ўтилган ҳўжаликларда юқориди номлари зикр этилган техникалар мавжуд. Лекин валюта эвазига келтирилган бу матбуотлардан имконият даражасида додаланиляптими? Экин-ичинд ёгин-сочили кўнлар бўлган палаклар юлинад.

Картошқани озиклантириш масаласига келсак, бизда кўпича у ҳр-хали кириш олдидан азот ва фосфорга тўйинтирилади, аслида эса, уруғ пуштага экилаётганда махсус агрегатлар билан калий, фосфор ва азот омухта қилиб солингани самаралироқ экан. Бундай усулда тупроққа солинган ўғитлар 40-45 кўндан кейин экинга таъсир этади.

ГОЛЛАНДИЯ картошқаси ва Голландия технологияси.

Бундан тўғрда картошқачилик бўйича 16 минг гектар ерга картошқа экилди. 1996 йилда эса 27 минг гектар ерда картошқа етиштириш режасида тутилипти. Лекин бизга ҳозир кўздагагиси эмас, хирмондагиси хирмон.

Шодиёр МУТАҲХАРХОН ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙ, СЕРХОСИЯ КАРТОШКА НАВИНИ ЯРАТИШ МУМКИНИ?



Мумкин, бунинг учун аввало олимларимиз нав яратиш билан жиддий шўғулланмоқлари, деҳқонларимиз эса картошқачиликнинг ҳаддисини олишлари лозим

ки айрим мутахассислар ҳам картошқа экинми, эқдинг, яхшилаб чопиб, сувини узмасанг, ҳосил зўр бўлади, деган тасаввурдан нарига ўтишолмайди. Шунинг учун ҳам яхши картошқа камеб бўлиб бориляпти.

Бозорди бир деҳқон билан гапашиб қолдим: — Картошқа неча пул? — сўрайман у кишидан. — Ҳа, бунча қиммат? — Ҳа, бунча қиммат? — Кўп қатори-да болам. Бозор иқтисоди, кўтарганига сотибмиз-да. — Сўраганинг абиби йўқ мезмон. Нега гектарди деҳқончилик қилгансиз? — Энди болам, фермерим, — дейди у киши. — Олти гектар ерим бор. Спиратон ўртасида тўри гектарига картошқа эқдим. Чиллада экин яхши бўлиди, дейишарди. Неғдир ҳосили кам бўлди. Кўнунг туяниб кетди. — Нави яхши эмасдир-да? — Бий, навини ким суриштириб ўтирибди. Ота-бобомиз экиб келаятган картошқадан-да. — Деҳқон дангалини айтди қўйди. Улар қўлам киргошқанинг ҳам, пахтагининг ҳам,

лашга эътибор сўст, — дейди Х. Холиқов. — Илмий асосларга кўра, уруғнинг униб чиқиши ва палак ўзиши учун 23-24 даража харорат етарли. Шу боис эртаги картошқанинг февраль ойининг 15 ларидан бошлаб экин зарур. Шунда, май ойининг ўрталарида қосил пишиб етилади. Деҳқонларимиз эса, ер қизишини кўтиб ўтирадигар ва оқибатда апрелнинг охириларида артаки картошқа экинман, деб уруғлик қадашаверади. Май-июнь ойида об-ҳавонинг кескин исирб кетиши оқибатда апрелнинг охирида экилган картошқалар қалорда қўнғизига ўр бўлади. Яна қатор ҳўжаликларда, ўртаги картошқа экиб, бекорга ерининг урини зоа кетказадилар. Ақир бизда, тоғли ва тоғлиди туманларидан бошқа ҳудудларда ўртаги картошқа бўлмайди. Чунки, харорат бу ойларда эг юқори даражага кўтарилди ва табиқини, уруғнинг униб чиқиши ва ривожланишига юқори даражадаги осиклик салбий таъсир кўрсатади.

Яна бир муаммо: кечки картошқа экишга саватоннинг бошида киришляди. Бунда ҳам уруғлик бой берила-



Шуртан газ конларидан ҳар йили қуевлар орқали халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун ўртача 21 миллиард куб метр «зағори олов» етказиб берилади.

Р. ШАРИПОВ тасвирга олган.

Ўзбек Халқаро Банки Uzbek International Bank

Ўзбек Халқаро Банки

Ўзбек ва хорижий компанияларни юқори малакали халқаро банк хизматлари билан таъминлайди:

- чет эл валютасида ҳисоб юритиш,
• халқаро телеграф тўловлари,
• инкассо ва аккредитивлар,
• банк кафолати,
• чет эл валютасини айирбошлаш,
• касса хизмати,
• кредитлаш,
• кредит картчалари бўйича хизмат кўрсатиш,
• ўзаро савдо ва тижорат операциялари ва лойиҳаларини молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси, 700000, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 24, 4-қават
Ўзбек Халқаро Банки.
Тел.: 7 (3712) 34-64-88, 34-67-69, 34-67-71.
Факс: 7 (3712) 34-95-70.

БИЛИБ ҚУЙИНГ:

БИЗ СІЗ ҲАҚИНГИЗДА ҚАЙГУРАМИЗ!

Ўзбеккоммуналоийҳа давлат лойиҳа институти сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа коммунал хизмат объектлари лойиҳасини қисқа муддатда тайёрлаб беришни тавсия этади.

Шахсий уйлари муҳандислик ускуналари ва барча қулайликларга эга ҳолда мукамал лойиҳалаштириб берамиз.

Ҳаҳон андозалари даражасидаги қулайликларга эга бўлай десангиз қуйидаги манзилга мурожаат этинг:

Тошкент, Ниёзбек йўли, 1.
Телефонлар: 34-14-41, 34-14-40.

БИРИНЧИ БЎЛИБ НАВБАТГА ТУРИНГ!

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

